



БАДИЙ АСАРДА МУТОБИҚЛИК

Гулом Бобоҷонов

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Аннотация: Мақолада бадиий асарнинг узвий ва яхлит бир бутунлигини таъмин этувчи назарий мезон саналган икки зид жиҳатнинг умумийлик касб этиши – мутобиқлик ҳодисаси ҳақида фикр юритилади. Мутобиқликни тушунтиришда «Ҳайратул аброр» достонидаги тўртинчи мақолот асос қилиб олинган. Асарни мутобиқлик мезони асосида тадқиқ этиш адабиётшунослик ва адабииёт назарияси учун бир қадар янги, ўз навбатида мумтоз поэтик ёндашув ҳисобланади.

Калит сўзлар: бадиий образ, бир бутунлик, балоғат, ийжоз, мутобиқлик, мутакаллим, ички ва ташқи қиёфа, тасвир, мухотоб.

Алишер Навоий «Хамса»сининг бош достони «Ҳайратул аброр» адабиётшуносликнинг назарий мезонларини ўрганишда ўзига хос манба воситасини ўтайди. Мазкур достон бадиий асар тузилиши, қисмлари ва улар ўртасидаги муносабатлар, муаллифнинг образ яратишдаги илмий ёндашуви, шунингдек, сарлавҳа поэтикасининг бадиий матннадаги аҳамияти хусусида кўплаб назарий маълумотлар олиш имконини беради.

«Ҳайратул аброр»да реал тарихий шахслар муқобилига қўйилган ёки бошқа муносабат билан келтирилган образлар кўпчиликни ташкил қиласди. Улар муаллифнинг қиёсий-танқидий мушоҳадаларини ифода этувчи, асосан, аброрлик йўлидан узоқлашган кимсалар образидир. Муаллиф шундай образлардан баъзи масалалар моҳиятини очища ўзига хос тарзда фойдалангани қўринади. «Ҳайратул аброр»нинг кўплаб тадқиқотчилар томонидан қайта-қайта ўрганилган XXVIII бобида мазкур ҳодисани яққол кузатиш мумкин. Боб «Риёйи хирқапўшлар сулуқидаким, ўз қошларида хирқаи талбислариға ҳақиқий либос от дурур ва ҳақойиқу маорифлари авомға либосот. Ва ҳақиқий боданўшлар равишидаким, хирқаи вужудлари фано илги зўридин чок дурур ва Масиҳодек жонбахш нафаслари руҳи муқаддас киби пок ва маҳалли тавфлари соҳати афлок» деб номланади. Асар сарлавҳалари бобнинг умумий мазмунини ийжоз усули билан тугал ифода этган, бобдаги масалалар мундарижасини ўзида акс эттирувчи, шунингдек, боб қисмларини яққол кўрсатувчи кичик умумлашма матнлар саналади.

Сарлавҳа рецепциясида бирон субъектив адашув бўлса, боб мазмунини ўзлаштириш ҳам худди шу асосда кечади. Шунга кўра, мазкур боб мундарижасига қўйилган масалалар нималардан иборат эканини объектив равишда аниқлаштириб олиш зарурати юзага чиқади. Сарлавҳадан маълум бўладики, ушбу боб икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида «риёйи





хирқапўшлар сулуки», иккинчи қисмида эса, «ҳақиқий боданўшлар равиши» ҳақида сўз боради. Бобда бош мавзу – Аллоҳ олдидаги хулусият икки зид қутбнинг ўзаро уйғунлик касб этиши (мутобиқлик) воситасида очиб берилади. Балоғат илмидаги мутобиқлик тушунчаси бу ўринда поэтик матн учун назарий асос вазифасини ўтайди. Бобда ўртага қўйилган масалани том ва бир бутун ракурсда кўриш учун ана шу икки зиднинг иттифоқи зарурат мақомини эгаллайди. Достоннинг бош мавзуси ҳисобланган аброр сафари учун энг муҳим омилларнинг поэтик ифодаси матнда ҳар доим *аднодан* *аълогача* бўлган узвийлиқда тадрижий такомил касб этади. Бундай ёндашув достоннинг бир неча ўринларида келтирилган. Бобдаги ҳар бир фикр икки зид воситасидагина бир бутунни ташкил эта олади.

Иъжоз мақомидаги илоҳий дастур услубига кўра, икки зиддан салбий хусусиятга эга бўлгани – адно (масаланинг тубан жиҳати) кўпинча олдин зикр этилади. Ижобийси эса (аъло), муаллиф нуқтаи назарини ўзида ифода этгани ҳамда объектив қараш ҳисоблангани, хукм ва хulosага далолат қилгани сабабидан иккинчи бўлиб ёки охирда келтирилади. «Ҳайратул аброр»нинг турли ўринларида мутобиқликни етказишида айни шу услугга таянилгани кузатилади. Матнни бадиий идроклашда мазкур хусусиятни инобатга олмаслик фақат бирёқлама ва субъектив хulosaga бериши мумкин, холос.

Эътибор берилса, достоннинг тўртинчи мақолотигача иймон, ислом ваadolat ҳақидаги мақолотлар келган. Тўртинчи мақолотда эса, иймон соҳиби бўлган, ислом арконини маҳкам ушлаган, ўзига ва ўзгаларга нисбатанadolatli инсоннинг мийсоқ қунида ва айни пайтда берган ваъдасига қай даражада вафо қилиши, аҳдига қанчалик содиқлиги ҳамда ваъда ва аҳдини бажаришда қалб, сўз ва амалда нечоғлиқ холис экани масаласига диққат қаратилади. Бобда мазкур уч жиҳат муайян кетма-кетлиқда ўзини ҳақ йўлига бағишлиаган аброрнинг ташқи кўриниши, амали, сўзи ҳамда қалбидаги даъвосини холис кузатиш орқали ёритиб берилади. Олдин умумий ташқи қиёфа, кейин феъл-амал-сўз тарзидаги хусусиятлар воситасида образнинг бутун ташқи ва ички шамойили акс эттирилади.

Биринчи байт бобнинг мазкур «риёйи хирқапўшлар сулуки» қисмини тугал ифода этувчи ийжозий усулга таянади. «Эй, бўлубон санъат ила хирқапўш, / Шому саҳар зикр ила солиб хуруш» дейилиши билан образнинг бу мақомга сидқ ва холислик билан эмас, балки «санъат» (бу ўринда ясамалиқ, соҳтакорлик, ҳийла, фириб маъноларида) билан эришгани, унинг бутун фаолияти эртаю кеч зикр билан машғул бўлиш эмас, зикр билан «хуруш солиши»дангина иборат экани англашилади. Бу эса, ушбу қисмнинг том маъносини ўзида тугал ифода этади. Битта байтнинг ўзида портрет (санъат ила хирқапўш бўлгани) ҳамда характер (шому саҳар зикр даъвоси билан ғавғо солиши) тўла қамраб олингани муаллиф матнида ийжоз усули нақадар катта аҳамият касб этишини яна бир бор далиллайди.





Кейинги байтлар муаллифнинг ilk байтдаги қарашини батафсил очиқлаб беришга қаратилгани боис, уларда ийжознинг зидди бўлган итноб усулини кўриш мумкин. Образни мухотоб идрокига олиб киришда муайян тадрижийликка қатъий амал қилинади. Даставвал, мухотобга «хирқапўшлик»нинг адно хусусиятлари – образнинг «шому саҳар зикр ила ғавғо солиши» нуктаси етказилади. Бу нукта образнинг ушбу мақомга қай йўл билан эга бўлганига ишора қиласи. Муаллиф олдин образнинг ташқи қиёфаси – портретини гавдалантиради ва шу аснода унинг ички оламини батафсил намоён этиб боради. Портрет яратишида ҳам юқорида айтилган қатъий тадрижийликни кўрамиз. Биринчи галда образнинг уст-боши, кийим-кечаги объектив остига олинади. Бу ўринда ҳар бир деталга алоҳида аҳамият қаратилиши, батафсил тасвир этилиши, шунингдек, зоҳирий кўринишнинг ботин ифодаси учун хизмат қилаётганининг мувозий (параллел) ёритилиши итноб усулиниң тўла-тўқис намоён бўлишига хизмат қилган. «Риёйи хирқапўш» эгнидаги хирқа ва унга чекилган баҳялар «зухду риё вуслалари» ҳақиқатини англатувчи мажоз шаклини олади. Келтирилган байтларда итнобнинг ўзига хослигида портрет тасвиридаги дақиқ кетма-кетлик ҳамда мазкур ҳолатнинг мажоз ва ҳақиқат мувозийлигидаги ифодаси етакчилик қиласи.

Хирқадан сўнг руқъа, бошидаги эски амома, қўлидаги асо ва субҳа, мисвок, наъланда тасвирланади. Хирқадаги руқъалар – остига дирам яширишга қулай восита, бошдаги эски амома фақатгина печлардан иборат матоҳ, қўлдаги асо ҳийла уйининг устуни, субҳа – бутпараст бут ясаш учун йўнган тошларнинг қолдиқлари, унинг муъзини – кофирнинг май шишаси, риштаси – зуннор, мисвок – оғизнинг нопок сўлагини суртувчи восита, наълан – аҳли сафо «ҳазли учун шайн» сифатида тасвир этилади. Шундан сўнг бевосита образнинг ўзи ва мақоми сифатланади. Эчкиникидек осилган соқол билан эгри ёғоч устида ўтириши васф этилади.

Шу ўринда муаллифнинг портрет яратищдаги услубининг яна бир ўзига хос жиҳати бўй кўрсатади. Матнда образнинг хирқапўшлик равиши бир қанча деталлар (баҳя, амома, асо, субҳа ва унинг муъзини, мисвок каби воситалар) ёрдамида батафсил очиб берилган бўлса-да, образ портретида унинг халқий хусусиятлари биргина соқол тасвири билан чекланганини учратамиз: «Турфа соқолин осибон кулгудек...» Лекин бу ўринда образ портретига оид бошқа деталлар тасвири қаламга олинмайди. Улар ийжоз усулиниң қаср йўли билан четлаб ўтилади. Балоғат илмига кўра, ийжоз қоидасининг моҳиятида мутакаллимнинг матнадаги айrim ўринларни муайян асослар эътиборидан қаламга олмасдан атайин қисқартириб ўтиши воситасида ўзига хос асосий мақсадни ифодалаш туради²⁸. Яъни мутакаллим матнда изчил давом этиб келаётган итнобий усулга хилофандаги мухотобга кутилмаган бир тарзда муайян

²⁸ القزويني الخطيب جلال الدين عبد الرحمن بن محمد. تلخيص المفتاح . بيروت . العصرية المكتبة . ٢٠١٤م . ص . ١٢١ .





қисқартириш бериш орқали яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратади. Ўша «муҳим жиҳат»нинг матнда очиқ ва тақдиран ифода этилмаслиги, кесиб-қисқартириб берилиши муайян маъно ташишга хизмат қиласи. Ўрганилаётган бобнинг бу қисмида айни шу ҳолатнинг гувоҳи бўлиш мумкин.

Муаллиф юқорида ўтган итнобий тадрижийликни қўйида яна «риёйи хирқапўш»нинг «мақом»и, ички дунёси, феъли каби жиҳатларни батафсил тасвирлаш билан давом эттиради. Лекин шу икки батафсиллик орасида портрет учун гўё жуда муҳим саналган унинг тана аъзолари ва тузилиши билан боғлиқ сифатлар тасвирга тортилмайди. Ийжоз қоидаси муаллифга матн балоғатига хизмат қилувчи ана шундай ҳуқуқий асос яратиб беради. Бу билан муаллиф, биринчидан, мукаррам зот саналган Одам фарзандининг халқий хусусиятлари муктасаба (ўз ихтиёри ва имкони билан) эмаслигига, шундай бўлгач, Яратувчи инъом этган халқий хусусияти учун унинг ҳеч бир ихтиёри йўқлигига мухотоб эътиборини тортади. Бинобарин, муаллиф матнда фақат образнинг ўзи «санъат» билан касб қилиб олган жиҳатларигагина урғу беради. Иккинчидан, муаллиф юқорида санаб ўтилган сифат ва хусусиятларни бериш воситасида образнинг ўзи – шахсиятини эмас, балки образ ўз имкони ва истаги доирасида муайян мақсад илинжида «ясад олган» салбий хусусиятларга қарши эканини ифода этади. Бу бевосита муаллиф қалбидаги олам ва одам хусусидаги қатъий ишонч мезонлари – сидқ концепцияси билан боғлиқ ҳодисадир. Мазкур ўринда сидқ муаллифнинг этик ва эстетик қарашларининг шаклланишида, уларни матнда қай тарзда поэтик ифода этишида ҳамда матн воқелигидаги мутакаллим ва мухотоб муносабатларида энг мақбул йўл тутишида етакчи аҳамият касб этгани яққол кўзга ташланади.

Муаллиф ушбу бобда портрет ва характерга оид қуи хусусиятларини кўрсатища давом этиб, эчки ташбеҳи воситасида «риёйи хирқапўш» образини муқоясавий тасвирлайди. Ҳар икки обьектдаги умумий ва фарқли хусусиятларни таҳлил қиласи. «Риёйи хирқапўш»нинг макони – тамкин жойи гарчи уларнинг ўз тилида маъбад ё хонақоҳ аталса-да, мафсақа (фисқу фасод жойи) экани, у ерга солинган бўриё, риёнинг рангига туташиб кетгани, масжидининг асоси – тархи нотўғри тушганидан қибласи бошқа тарафга қараб қолгани, «қаҳбаи тарсо» қоши унинг учун меҳроб (каби) экани, у меҳробда шайхнинг ибодати шайтоннинг айтганини бажаришдан иборат бўлиши – бевосита «риёйи хирқапўш»нинг феъли-сажиясига оид тасвиirlардир.

Шундан сўнг, унинг атрофидагилар билан биргаликдаги тасвирига ўтилади: «Бўлуб анга жамъи халойиқ мурид, / Лек бори шайхса лойиқ мурид». Муридлари билан боғлиқ тасвиirlарда «шайх» характеристи янада ёрқин ифода этилади. Бу ўринда ҳам итнобий усул етакчилик қиласи. Бобнинг шу қисми сўнгида «санъат ила хирқапўш»лик расмини тутиб, атрофига ўзига ўхшаган муридлар тўплаб, шому саҳар самоъда чирпирак бўлишдан асл мақсад ўртага чиқади:





Борчаға мақсуд буқим – аҳли жоҳ,
 Кўрсалар ул шайх ила бу хонақоҳ.
 Шайхни сажжодай иршод уза,
 Хайлни ҳам зикр ила аврод уза.
 Фақру қаноатдин ўлуб сарбаланд,
 Важд ила ҳолатдин ўлуб баҳраманд.
 Борчаларин аҳли яқин соғиниб,
 Ҳол ила ул важдни чин соғиниб.
 Зоҳир этиб шайх қошида ниёз,
 Фоқалариға бўлубон чорасоз²⁹.

Муаллиф мазкур қисмга ўз хулосасини қўйидагича баён этади:
 Бўлса булар бирла барумандлик,
 Етгай алар нафсиға хурсандлик.
 Субҳоналлоҳ, бу не нафси лаим,
 Нафсни қўйғил, не азоби алим.
 Рўзи учун мунча фусунсозлик,
 Мансаб учун мунча дағобозлик.
 Бу эл эрур борча ёмондин-ёмон,
 Кимки йўқ андин ёмон, андин ёмон³⁰.

Бу эса, юқорида сўз юритилганидек, бир масаланинг икки зид тарафини тасвирлашдаги энг қуийи – адно мақомни ифода этади. Бу мақом шу қадарки, муаллиф уни «Лек томуғ ҳам бу неча ғашға ҳайф, / Ўт доғи бу хайли дағалвашға ҳайф. Гар қўруб ўтдин бани Одам азоб, / Ўтқа булардин бўлубон ҳам азоб» мисралари билан таъриф этаркан, уларнинг адно мақоми ҳақидаги тафсилотни поэтик ифода этишда энг сўнгги нуқтага етказади. Муаллифнинг ифода усулидаги ушбу миқёсий қамровдорлик балоғат илмидаги ийжоз усули воситасида амалга ошириладики, у бир қанча оят ва ҳадислардан иборат ҳодиса поэтик тасвирда шундай қисқа ва қамровли, ўз навбатида, тўла-тўқис тасаввур бера оладиган тарзда намоён бўлади.

Мазкур бобнинг «ҳақиқий боданўшлар равиши» хусусидаги иккинчи қисми юқорида ўтган қисмга том маънодаги симметрия касб этади. Ушбу боб рецепциясида қуийидаги иккинчи қисмни эътиборсиз қолдириш, асар моҳиятини ҳаққоний қамраб олиш, муаллифнинг поэтик ижоддаги мақсадини англаш, достоннинг ўзига хос – бири бошқасини мунтазам тақозо этувчи, ўзаро узвий ва қатъий боғлиқликка эга, бобнинг муайян таркибий қисми саналган катта ва аҳамиятли бўлакнинг йўқолишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, матндаги бир бутунликни ҳам йўққа чиқаради. Бундай тизимли ёндашув фақат бу бобдагина эмас, асарнинг барча боб ва қисмлари (ҳатто байт, мисра, жумла ва сўзлар) учун катта аҳамиятга эга воситалардан ҳисобланади.

²⁹ علیشیر نوایی. خمسه. حیرت الابرار . علمی تنقیدی متن. تاشکینت. فن. ۱۹۷۰. ب. ۸۱.

³⁰ علیشیر نوایی. خمسه. حیرت الابرار . علمی تنقیدی متن. تاشکینت. فن. ۱۹۷۰. ب. ۸۱.





«Риёйи хирқапўш» зикри мийсоқ кунидаги ваъдасини унугани ҳолда чинакам аброрлик йўлини йўқотган кимсалар ҳолатини намойиш этса, «ҳақиқий боданўшлар» юқоридаги ҳолнинг зидди ўлароқ ушбу улуғ ва машаққатли йўлни берган ваъдасига мувофиқ босиб ўтаётган образнинг ички ва ташқи қиёфаси хусусиятларини ўзида мужассам этади. Шу маънода, айтиш мумкинки, бу қисмиз боб ўз моҳиятини буткул йўқотади. Муаллиф асарда назарда тутаётган бир бутун тизимдаги адно даражасига мутобиқ равиша қўйиладиган аъло мақомини айни шу қисмда кўриш мумкин.

Мазкур сатҳда аброрнинг равиши боб сарлавҳасида қайд этилганидек, учта ички қисмга ажратилган ҳолда талқин этилади:

- 1) *хирқаи вужудлари фано илги зўридин чок;*
- 2) *Масиҳодек жонбахш нафаслари руҳи муқаддас киби пок;*
- 3) *маҳалли тавфлари соҳати афлок.*

Булар «ҳақиқий боданўш»нинг ички ва ташқи қиёфаси, мақоми, ҳаёт йўли ва ундаги маслагини тўла намоён этиши билан бирга, ўз навбатида юқоридаги «риёйи хирқапўш»ликнинг том зиддини ифодалайди. Бу «эл» хусусида келтирилган дастлабки байтда иижоз усули билан қисмнинг умумий қамровчи маъноси билдирилади: «Эй кўнгул, ул элга жаҳонлар фидо, / Дема жаҳонлар, деки жонлар фидо». Кейинги байтларнинг барчаси мазкур иижозий байтнинг итноби вазифасини бажаришга хизмат қиласи. Хусусан, аввало, «ҳақиқий боданўш»ларнинг бу йўлдаги бош мақсади акс эттирилади: «Ким қилибон ики жаҳон таркини, / Ики жаҳон демаки, жон таркини. Гусса жаҳон ичра чекиб жон учун, / Жонни фидо қилғали жонон учун»³¹. Ундан кейин юқорида қаламга олинган «хирқапўшлик»ка муносабатлари аниқлаштирилади: «Елга бериб дафтари солусни, / Ўтға солиб хирқаи номусни». Сўнгра манзил-мақомлари васфи («Масжиду майхона анга ёқмайин, / Даир била Каъба сори боқмайин»), бошқалар билан муносабати («Силкибон эл яхши-ёмониға енг, / Англаб улус йўқиу борини тенг»), ўзи ва Яратувчи орасидаги ишончи («Борлиқ асбобини фоний билиб, / Йўқлуқ ўти ичра ўзин кул қилиб. Куйдурубон чун бу хаёлотни, / Ёрутуб ул кул била миръотни. Кўзгуда чун ғайрдин ўлмай асар, / Чехраи мақсуд ўлубон жилвагар») қаламга олинади. Муаллиф боданўшни тиниқ ва покиза кўзгу ўлароқ тасвир этар экан, достоннинг III боби «Аввалғи муножот»да ўртага қўйилган концепция – борлиқнинг яратилишидан асосий мақсад масаласи билан боғланган муштаракликка урғу беради:

Жилваи ҳуснунгға чу йўқ эрди ҳад,
Кўзгу керак эрди анга беадад.
Очи бу гулшанники рангин эрур,
Ҳар гул анга ойинаи чин эрур.
Жилваи ҳусн ўлғали зоҳир анга,

³¹ Охирги икки байт турли нашрларда баъзи чалкашликлар билан бошқа ўринда келтирилган. Биз уни илмий-танқидий матнга таянган ҳолда шу жойда келтиришни мувофиқ топдик (F.B.).





Бўлди бу миръот мазоҳир анга³².

Бу «боданўш»нинг борлиқ яратилишидаги асосий мақсадга туташуви – ваъдасига вафо қилиш йўли билан бош маслақдаги ҳақиқий ўрнига мувофиқлигини намойиш этади.

Мазкур «ҳақиқий боданўш»нинг портрети ва характеристирида муаллиф олдинги қисмда «риёйи хирқапўш» образида учрамайдиган ўзига хос жиҳатларни тақдим этади. Хусусан, «боданўш»нинг кўзлари, юзлари, шахсияти, йўли ва сайрлари алоҳида тасвирланадики, бу образнинг ички ва ташқи қиёфаси ҳақида тўлақонли тасавур беришга хизмат қиласиди. Бу равишнинг асосида турувчи омил матнда шундай кўрсатилади:

Тоат этиб ҳар бири то жони бор,

Жон чекибон ончаки имкони бор.

Ҳарне қилиб фаҳм Набий суннатин,

Қилғоч адо жонға қўюб миннатин.

Нечаки аъмол этибон печ-печ,

Ҳеч келиб ҳар бири олинда ҳеч³³.

Сафар чоғида аброрга барча йўл ва манзилларда асл намуна бўлган Набий алайҳиссалом суннати мазкур ўринда ҳам асос омил эканига эътибор қаратилади. Бу байтлар «ҳақиқий боданўш»лик мақомининг энг олий даражасига ишора қиласиди.

Бобдаги хulosавий фикр эса: «*Кимки хаёлиға келур мосиво, / Лофи муҳаббат анга эрмас раво*» тарзида акс эттирилган. Ушбу байт бобдаги асосий икки тоифадаги образлар – «риёйи хирқапўш»лар ҳамда «ҳақиқий боданўш»ларнинг бутун ички ва ташқи қиёфаси, шахсиятига оид барча хусусиятларни том маънода қамраб-жамлаб кўрсатувчи ийжозий аҳамият касб этади.

Муаллифнинг асарда характер ва портретни поэтик тасвир ва ифода этишдаги позицияси сидқ таркибиға кирувчи Шарқ-ислом кишисининг ишончига том уйғун ҳолда назарий қонуният тусини олгани алоҳида эътирофга сазовордир. Бу масалада муаллиф ҳеч қайси ўринда субъектив мулоҳазаларни «илоҳий хабар» воқелигидан муқаддам тутмаслик тамоилига қатъий таянишни назарий асос ўлароқ қабул қилгани яққол кўринади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. أبو يعقوب يوسف بن أبي بكر بن محمد السكاكى. مفتاح العلوم. القاهرة. المكتبة توفيقية.
2. الخطيب الفزوي. الايضاح في علوم البلاغة. بيروت. دار الكتب العلمية. ٢٠٠٣ م.
3. الخطيب الفزوي. تلخيص المفتاح. بيروت. المكتبة العصرية. ٢٠١٤ م.
4. سعد الدين التفتازاني. المطول. شرح تلخيص مفتاح العلوم. بيروت. دار الكتب العلمية. ٢٠١٣ م.
5. سعد الدين التفتازاني. شرح المختصر على تلخيص المفتاح. گزرجان. کتاب فروشی.
6. علیشیرنوايى. خمسه. حیرت الابرار . علمی تتقیدی متن. تاشкىنت. فن. ۱۹۷۰.

³² Улиширнواиى. خمسه. حیرت الابرار . علمی تتقیدی متن. تашкىنت. فن. ۱۹۷۰. ب. ۸۱.

³³ Улиширнوايى. خمسه. حیرت الابرار . علمی تتقیدی متن. تашкىنت. فن. ۱۹۷۰. ب. ۸۲.

